

**SCIENCE**  
**PROBLEMS.UZ**

ISSN 2181-1342

Actual problems of social and humanitarian sciences  
Актуальные проблемы социальных и гуманитарных наук

**Ijtimoiy-gumanitar  
fanlarning dolzarb  
muammolari**

Son 8 Jild 4  
**2024**

**SCIENCEPROBLEMS.UZ**

**ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ  
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

***№ 8 (4) - 2024***

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-  
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

**ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES**

**ТОШКЕНТ-2024**

## **БОШ МУҲАРРИР:**

Исанова Феруза Тулқиновна

## **ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**

### *07.00.00-ТАРИХ ФАНЛАРИ:*

Юлдашев Анвар Эргашевич – тарих фанлари доктори, сиёсий фанлар номзоди, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Мавланов Уктам Махмасабирович – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Хазраткулов Абдор – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

Турсунов Равшан Нормуратович – тарих фанлари доктори, Ўзбекистон Миллий Университети;

Холикулов Ахмаджон Боймаҳамматович – тарих фанлари доктори, Ўзбекистон Миллий Университети;

Габриэльян Софья Ивановна – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Миллий Университети.

Саидов Сарвар Атабулло ўғли – катта илмий ходим, Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази, илмий тадқиқотлар бўлими.

### *08.00.00-ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ:*

Карлибаева Рая Хожабаевна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Насирходжаева Дилафруз Сабитхановна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Остонокулов Азамат Абдукаримович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент молия институти;

Арабов Нурали Уралович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Худойқулов Садирдин Каримович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Азизов Шерзод Ўктамович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Божхона институти;

Хожаев Азизхон Саидалоҳонович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Фарғона политехника институти

Холов Актам Хатамович – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Шадиева Дилдора Хамидовна – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент в.б, Тошкент молия институти;

Шакарров Қулмат Аширович – иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент, Тошкент ахборот технологиялари университети

### *09.00.00-ФАЛСАФА ФАНЛАРИ:*

Ҳакимов Назар Ҳакимович – фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Яхшиликков Жўрабой – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Ғайбуллаев Отабек Мухаммадиевич – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Саидова Камола Усканбаевна – фалсафа фанлари доктори, “Tashkent International University of Education” халқаро университети;

Ҳошимхонов Мўмин – фалсафа фанлари доктори, доцент, Жиззах педагогика институти;

Ўроқова Ойсулов Жамолiddиновна – фалсафа фанлари доктори, доцент, Андижон давлат тиббиёт институти, Ижтимоий-гуманитар фанлар кафедраси мудири;

Носирходжаева Гулнора Абдукаҳхаровна – фалсафа фанлари номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Турдиев Бехруз Собирович – фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Бухоро давлат университети.

### *10.00.00-ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:*

Ахмедов Ойбек Сапорбаевич – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Кўчимов Шухрат Норқизилевич – филология фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳасанов Шавкат Аҳадович – филология фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Бахронова Дилрабо Келдиёровна – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Мирсанов Ғайбулло Қулмуродович – филология фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Салахутдинова Мушарраф Исамутдиновна – филология фанлари номзоди, доцент, Самарқанд давлат университети;

Кучкаров Раҳман Урманович – филология фанлари номзоди, доцент в/б, Тошкент давлат юридик университети;

Юнусов Мансур Абдуллаевич – филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Саидов Улугбек Арипович – филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

#### 12.00.00-ЮРИДИК ФАНЛАР:

Аҳмедшаева Мавлюда Ахатовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Эсанова Замира Нормуратовна – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳамроқулов Баҳодир Мамашарифович – юридик фанлар доктори, профессор в.б., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети;

Зулфиқоров Шерзод Хуррамович – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети;

Хайитов Хушвақт Сапарбаевич – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Асадов Шавкат Ғайбуллаевич – юридик фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Утемуратов Махмут Ажимуратович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Сайдуллаев Шахзод Алиханович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳакимов Комил Бахтиярович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Юсупов Сардорбек Баходирович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Амиров Зафар Актамович – юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби;

Жўраев Шерзод Юлдашевич – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Бабаджанов Атабек Давронбекович – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Раҳматов Элёр Жумабоевич – юридик фанлар номзоди, Тошкент давлат юридик университети;

#### 13.00.00-ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ:

Хашимова Дильдархон Уринбоевна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ибрагимова Гулнора Хавазматовна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Закирова Феруза Махмудовна – педагогика фанлари доктори, Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази;

Каюмова Насиба Ашуровна – педагогика фанлари доктори, профессор, Қарши давлат университети;

Тайланова Шохида Зайниевна – педагогика фанлари доктори, доцент;

Жуманиёзова Муҳайё Тожиевна – педагогика фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Ибрахимов Санжар Урунбаевич – педагогика фанлари доктори, Иқтисодиёт ва педагогика университети;

Жавлиева Шахноза Баходировна – педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Самарқанд давлат университети;

Бобомуротова Латофат Элмуродовна – педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Самарқанд давлат университети.

#### 19.00.00-ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Каримова Василя Маманосировна – психология фанлари доктори, профессор, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Ҳайитов Ойбек Эшбоевич – Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти, психология фанлари доктори, профессор

Умарова Навбахор Шокировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Амалий психологияси кафедраси мудири;

Атабаева Наргис Батировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Шамшетова Анжим Карамаддиновна – психология фанлари доктори, доцент,

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Қодиров Обид Сафарович – психология фанлари доктори (PhD), Самарканд вилоят ИИБ Тиббиёт бўлими психологик хизмат бошлиғи.

#### 22.00.00-СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Латипова Нодира Мухтаржановна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири;

Сеитов Азамат Пўлатович – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети;

Содиқова Шоҳида Мархабобовна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон халқаро ислом академияси.

#### 23.00.00-СИЁСИЙ ФАНЛАР

Назаров Насриддин Атақулович – сиёсий фанлар доктори, фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент архитектура қурилиш институти;

Бўтаев Усмонжон Хайруллаевич – сиёсий фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири.

### ОАК Рўйхати

Мазкур журнал Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 30 ноябрдаги 327/5-сон қарори билан тарих, иқтисодиёт, фалсафа, филология, юридик ва педагогика фанлари бўйича илмий даражалар бўйича диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари**” электрон журнали 2020 йил 6 август куни 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.

**Муассис:** “SCIENCEPROBLEMS TEAM” масъулияти чекланган жамияти

#### Таҳририят манзили:

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил:

[scienceproblems.uz@gmail.com](mailto:scienceproblems.uz@gmail.com)

#### Боғланиш учун телефонлар:

(99) 602-09-84 (telegram).

## MUNDARIJA

### 07.00.00 – TARIX FANLARI

|   |       |
|---|-------|
| <i>Бегамова Насиба Холмурзаевна</i><br>МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА АГРАР СОҲА ХОДИМЛАРИНИНГ МАЛАКАСИНИ<br>ОШИРИШДА ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИКНИНГ РОЛИ (ЎЗБЕКИСТОН ЖАНУБИЙ<br>ВИЛОЯТЛАРИ МИСОЛИДА) ..... | 11-19 |
| <i>Насиратдинов Сапар Жеткербай-улы</i><br>ЭТНОГРАФИК ТАДҚИҚОТЛАРДА ФОТОГРАФИЯНИНГ ЎРНИ .....   | 20-25 |
| <i>Нарманов Феруз Асфандиёрович</i><br>ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ЖАЛОЛИДДИН МАНГУБЕРДИ ҲАЁТИ ВА ФАОЛИЯТИНИНГ<br>ЎҚИТИЛИШИ .....   | 26-30 |
| <i>Rustamov Ilxomidin</i><br>“O‘ZBEKISTON - 2030” STRATEGIYASI – XALQ STRATEGIYASI (YANGI<br>O‘ZBEKISTON TARIXI) .....  | 31-34 |
| <i>Normo‘minov Aziz</i><br>O‘ZBEKISTONLIK SPORTCHILARINING PARAOLIMPIYAMUSOBAQALARIDAGI<br>ISHTIROKI .....  | 35-39 |
| <i>Turdiboyeva Gulmira</i><br>VOYAGA YETMAGANLAR HUQUQBUZARLIGIGA QARSHI KURASH BO‘YICHA TARG‘IBOTLAR<br>SAMARASI .....   | 40-44 |
| <i>Xamidova Shoira Rasulovna</i><br>PARASPORT TURLARI VA ULARNING QONUNIYATLARI .....   | 45-51 |
| <i>Ахмедов Жасурбек Зокиржонович</i><br>МАДАНИЯТШУНОСЛИК ВА НОМОДДИЙ МАДАНИЙ МЕРОС ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ<br>ФАОЛИЯТИ ТЎҒРИСИДА .....   | 52-54 |

### 08.00.00 – IQTISODIYOT FANLARI

|   |       |
|---|-------|
| <i>Raximov To‘xtabek Jumaboyevich</i><br>KICHIK BIZNES KORXONALARINING EKSPORT SALOHİYATINI OSHIRISHGA TA’SIR QILUVCHI<br>OMILLAR TAHLILI ..... | 55-60 |
| <i>Allaberganov Xushnud Allaberganovich</i><br>TASHQI SAVDO SALOHİYATINING MINTAQA IQTISODIYOTIDA TUTGAN O‘RNI .....                            | 61-68 |
| <i>Амбарцумян Анастас Алексеевич</i><br>МЕЖДУНАРОДНЫЕ ТРАНСПОРТНЫЕ КОРИДОРЫ: СИНЕРГЕТИЧЕСКАЯ ВЫГОДА И<br>ПОИСК РЕШЕНИЯ НЕПРОСТЫХ ЗАДАЧ .....    | 69-81 |
| <i>Baqoeva Dilfuza</i><br>SANOAT KORXONALARIDA SOTUV TIZIMINING OLIB BORILISHI, MOHIYATI VA<br>YO‘NALISHLARI .....                              | 82-86 |
| <i>Adilov Mirkomil Miralimovich</i><br>TIJORAT BANKLARI KREDIT QO‘YILMALARINING MANBALARINI<br>TAKOMILLASHTIRISH .....                          | 87-93 |

*Donayev Sheroli Burxonovich*

DON MAHSULOTLARI KORXONALARIDA RIVOJLANTIRISH ASCENT

STRATEGIYASINING AHAMIYATI ..... 94-101

*Кахаров Жасур Абулқосимович*

ГАСТРОНОМИЯ ТУРИЗМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ИҚТИСОДИЙ

МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ..... 102-109

*Рахмонов Шухрат Шавкатович*

ТУРИСТИК МАҲСУЛОТ ДИВЕРСИФИКАЦИЯСИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ ..... 110-117

*Sherov Alisher Bakberganovich*

OLIY TA'LIM MUASSASALARINI MOLIYALASHTIRISHNING HUQUQIY ASOSLARI ..... 118-129

### **09.00.00 – FALSAFA FANLARI**

*Tag'oyeva Dilnavoz Narziqulovna*

MAHMUDXO'JA BEHBUDIY MA'RIFATPARVARLIK G'OYALARI VA ULARNING IJTIMOYIY-

AXLOQIY MUNOSABATLARDAGI KONSTRUKTIV MOHIYATI ..... 130-135

*Muhamedov Asror*

G'ARB RENNESANSIGA TURTKI BO'LGAN OMILLAR ..... 136-145

*Aripova Zulfiyaxon Salijanovna*

HOZIRGI ZAMONDA ETIKA VA ESTETIKANI O'QITISHNING AMALIYIJTIMOIY

AHAMIYATI ..... 146-151

*Abdumalikov Abdulatif Abidjanovich*

INSONNING TABIATGA NOOSFERAVIY MUNOSABATINI YUKSALTIRISH

ZARURIYATI ..... 152-156

*Xolmatov Uchqunjon Xamidullayevich*

AXBORIY-PSIXOLOGIK VA MADANIY TAHDIDLAR SHAROITIDA MILLATLARARO TOTUVLIK

VA HAMJIXATLIKNI TA'MINLASHNING TA'LIMIY-TARBIYAVIY VAZIFALARI ..... 157-162

*Шоназаров Жамшид Шухратович*

ЖАДИДЛАР ҒОЯЛАРИ ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН СТРАТЕГИЯСИ БИЛАН ҲАМОҲАНГ ..... 163-168

*Xo'janova Tamara Jo'raevna*

YANGI O'ZBEKISTONDA YOSHLARINI AXBOROT URUSHI DAVRIDA MAFKURAVIY

TAJOVUZLARDAN ASRASH OMILLARI ..... 169-174

*Quchqorov Javlon Suyundik o'g'li*

MILLIY G'OYA VA DEMOKRATIK O'ZGARISHLAR DIALEKTIKASIGA MADANIY HODISALAR

SIFATIDA QARASH ..... 175-179

*Muxtorova Tutixon*

GLOBALLASHUV JARAYONLARIGA FALSAFIY YONDASHUVLARNING O'ZIGA

XOS JIHATLARI ..... 180-186

*Rahmonova Mavluda Abdusamadovna*

ABDURAUF FITRATNING "OILA" ASARIDA JAMIYAT MA'NAVIY-AXLOQIY RIVOJIGA DOIR

QARASHLARI TAHLILI ..... 187-194

*Pirnazarov Nurnazar*

TANA, RUX VA MA'NAVİYATNING INSON BORLIG'IDAGI AKS ETISHINING

FALSAFIY TAHLILI..... 195-201

*Ismailov Dilshod Baxriddinovich*

DAVLAT FUQAROLIK XIZMATCHILARI FAOLIYATI SAMARADORLIGINI OSHIRISHNING

MA'NAVİY-AXLOQIY SEGMENTI:KOMPARATIV YONDASHUV ..... 202-209

## **10.00.00 – FILOLOGIYA FANLARI**

*Yuldoshova Shaxnoza Azimboyevna*

RAY BREDBERI VA ISAJON SULTON ASARLARIDA MA'RIFATPARVARLIK MOTIVLARI

TALQINI ..... 210-216

*Bozorbekov Ahmadbek*

O'ZBEK TERMINOLOGIYASIDA TEXNIK, ZAMONAVIY LOGISTIKA SOHASIDAGI

TERMINLARNING YASHALISH MODELLARI VA PARADIGMATIKASI ..... 217-230

*Xamrayev Fozilbek Yo'ldoshevich*

ZAMONAVIY O'ZLASHMALARNI MILLIYLASHTIRISHDA O'ZBEK TILINING TARIXIY ZAXIRA

MANBALARIDAN FOYDALANISH ..... 231-236

*O'tebaeva Dilbar*

TURKIY TILLARGA UMUMIY BO'LGAN EKOLOGIK ATAMALAR .....

237-242

*Asqarova Shaxnoza Kamolidinova*

EPIK KLISHELAR HAMDA ULARNING INGLIZ VA NEMIS TILLARIDAGI TALQINI

(“ALPOMISH” DOSTONI MISOLIDA) ..... 243-247

*Kadirova Zaynab Bakoyevna*

INGLIZ TILIDAGI REKLAMANING LINGVISTIK XUSUSIYATLARI .....

248-252

*Allaberganova Nilufar Matnazar qizi*

QOFIYA ASOSLARIDAGI MATNLARNING LINGVOKOGNITIV XUSUSIYATLARI .....

253-256

*Nabiyeva Rushana Jamol qizi*

OZIQ-OVQAT MAHSULOTLARI NOMLARI LEKSIK-SEMANTIK GURUHINING MA'NOVIY

GURUHLARI VA ULARDA YANGI O'ZLASHMALARNING ISHTIROKI HAQIDA ..... 257-262

*To'rayeva Iroda Sheramatovna*

FOLKLORIZMLAR TIZIMIDA ETNOGRAFIK FOLKLORIZMLARNING O'RNI VA

SPETSIFIKASI ..... 263-268

*Qodirova Munisa Erkinjon qizi*

BADIIY MATNDA QO'LLANILGAN SAN'ATGA OID TERMINLARNING LEKSIK TIPOLOGIYASI

(INGLIZ VA O'ZBEK TILLARI MISOLIDA) ..... 269-272

*G'aniyeva Nozanin G'ayratovna*

MARKAZIY OSIYODA JADID AYOLLARINING PATRIARXAL TUZILMALAR VA

MUSTAMLAKACHILIK ZULMIGA QARSHI CHIDAMLILIGI VA QARSHILIGI ..... 273-277

*Zaripova Dilfuza Baxtiyorovna*

TURKIY ADABIYOTDA “IBROHIMI ADHAM” QISSALARI TAHLILI .....

278-284

*Eshniyazova Maysara Becnazarovna*

ALISHER NAVOIYNING “ARBA'IN” ASARIDAGI HADISLAR BAYONIDA G'OYAVIY-BADIIY

IFODA MUKAMMALLIGI ..... 285-292

*Raxmonova Dildora Mirzakarimovna*

O'ZBEK JADID ADABIYOTIDA OVRUPO MADANIYATI TALQINI .....

293-298



**12.00.00 – YURIDIK FANLAR***Axmedshayeva Mavlyuda Axatovna*

MARKAZIY OSIYO DAVLATLARI HUQUQIY TIZIMLARIDA KODEKSLASHTIRISH

JARAYONINING AYRIM NAZARIY-HUQUQIY MASALALARI ..... 299-306

*Узакова Гўзал Шариповна*

ШАҲАРЛАР ВА БОШҚА АҲОЛИ ПУНКТЛАРИДА АТРОФ МУҲИТНИ МУҲОФАЗА

ҚИЛИШНИНГ ЭКОЛОГИК-ҲУҚУҚИЙ ТАЛАБЛАРИ ..... 307-325

*Пулатова Нодирахон Собиржоновна*

ТЕОРЕТИКО-ПРАВОВЫЕ АСПЕКТЫ УСТРАНЕНИЯ СУДЕБНЫХ ОШИБОК В ОБЕСПЕЧЕНИИ

ПРАВ ЧЕЛОВЕКА ..... 326-332

*Nizamatdinov Kayrat Keunimjaevich*

MOBIL ALOQA XIZMATI KO'RSATISHDA MILLIY ALOQA OPERATORLARINING FAOLIYATINI

HUQUQIY TARTIBGA SOLISHNI TAKOMILLASHTIRISH ..... 333-341

*Абдурахманова Нодирахон*

ПРАВОВОЕ РЕГУЛИРОВАНИЕ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ИСКУССТВЕННОГО ИНТЕЛЛЕКТА В

ОНЛАЙН АРБИТРАЖАХ: МЕЖДУНАРОДНЫЕ И НАЦИОНАЛЬНЫЕ АСПЕКТЫ ..... 342-345

*Bokiyev Jahongir Nurmatjon o'g'li*

TA'LIM OLISH HUQUQINING GENEZISI HAMDA UNING YURIDIK TABIATI ..... 346-356

*Madiyev Faxriddin Xoshim o'g'li*

SHAXSIY HAYOT DAXLSIZLIGI HUQUQINI TA'MINLASH MASALALARI ..... 357-368

*Утанов Фурқат*

ИНДИВИДУАЛЛАШТИРИШ ВОСИТАСИ СИФАТИДА ТОВАР БЕЛГИСИНИНГ ҲУҚУҚИЙ

МАҚОМИ ..... 369-374

*Dilboboyev Nozimbek Shavkat o'g'li*

XALQARO VA MILLIY DARAJADA INVESTITYA QONUNCHILIGINING RIVOJLANISH

TENDENSIYASI ..... 375-381

*Назарова Марҳабо*

ГОСУДАРСТВЕННАЯ ПОЛИТИКА И РАЗВИТИЕ ЖЕНСКОГО ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВА В

УЗБЕКИСТАНЕ ..... 382-386

*Абулхайров Рустамхон Ибодуллаевич*

ПОРТЛАШ СОДИР БЎЛГАН ЖОЙНИ КЎЗДАН КЕЧИРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ЎТКАЗИШ

МАСАЛАЛАРИ ..... 387-400

*Абдусамиева Дилрабо Абдувахоб кизи*

ВОПРОСЫ РЕСОЦИАЛИЗАЦИИ БЫВШИХ ОСУЖДЕННЫХ В НЕКОТОРЫХ

МЕЖДУНАРОДНЫХ СТАНДАРТАХ..... 401-406

*Abdikhakimov Islombek*

LEGAL RELATIONS AND STAKEHOLDERS IN QUANTUM TECHNOLOGIES REGULATION: A

COMPREHENSIVE ANALYSIS OF GOVERNANCE FRAMEWORKS ..... 407-412

**13.00.00 – PEDAGOGIKA FANLARI***Djabbarova Nilufar Baxtiyarovna*

TALABA-QIZLARDA LIDERLIK SIFATLARINI RIVOJLANTIRISHDA FALSAFIYPEDAGOGIK

YONDASHUVLARNING ROLI ..... 413-417

*Mamatqosimov Jahongir Abirqulovich*

BO'LAJAK REJISSYORLARNING KASBIY KOMPETENTLIGINI ADABIY ASARLAR ASOSIDA RIVOJLANTIRISHDA DEBYUT MASHG'ULOTLARINING AHAMIYATI ..... 418-423

*Kurbanova Shukurjon Yeldashbayevna*

HOFIZ XORAZMIY DIDAKTIK QARASHLARINI O'RGANISHNING HOZIRGI HOLATI ..... 424-429

*Ismoilova Shodiyaxon Xusanboy qizi*

NEMIS TILIDAN KEYIN INGLIZ TILI O'RGANISH JARAYONIDA FONETIK INTERFERENSIYANI YUZAGA Keltiruvchi omillar ..... 430-435

*Salimov Ma'ruf Eshdovlat o'g'li*

O'QUVCHILARNI VATANPARVARLIK RUHIDA TARBIYALASHNING PEDAGOGIK-PSIXOLOGIK XUSUSIYATLARI ..... 436-439

*Палванова Умида Бахрамовна, Тургунов Собитхон Ташпулатович, Якубова Азада Ботировна*

ОРГАНИЗАЦИЯ И УПРАВЛЕНИЕ ОБУЧЕНИЕМ СТУДЕНТОВ НАВЫКАМ ОКАЗАНИЯ ПЕРВОЙ ПОМОЩИ С ИСПОЛЬЗОВАНИЕМ СИСТЕМНОГО ПОДХОДА ..... 440-444

*Rasulova Fotima Farxotovna*

O'QUVCHILARNI IJODIY FIKRLASHGA YO'NALTIRISHNING NAZARIY VA USLUBIY YO'NALISHLARINING ILMIY TAHLILI..... 445-450

*Saidxo'jayev Muhammadxo'ja Ma'rufxo'ja o'g'li*

YOSHLARNI MA'NAVIY-MA'RIFIY TARBIYALASHDA IJTIMOY - PEDAGOGIK OMILLAR VA ULARNING SAMARADORLIGINI OSHIRISH YO'LLARI..... 451-456

*Utepbergenov Aydos Janabayevich*

SAHNA NUTQI O'QITISHNING O'ZIGA XOS JIHATLARI ..... 457-461

*Nozima Muqimovna Hamdamova*

MAJBURIY FANLARDAN TALABLARNING KOMPETENTLIGINI RIVOJLANTIRISHDA GRAFIK DASTURLARIDAN FOYDALANISH..... 462-467

**Received:** 30 July 2024  
**Accepted:** 5 August 2024  
**Published:** 15 August 2024

*Article / Original Paper*

## **ECOLOGICAL AND LEGAL REQUIREMENTS OF ENVIRONMENT PROTECTION IN CITIES AND OTHER SETTLEMENTS**

**Guzal Uzakova Sharipovna,**

Head of the Environmental Law Department of Tashkent State University of Law, DSc,  
Professor

E-mail: [guzalsharipovna@gmail.com](mailto:guzalsharipovna@gmail.com)

**Abstract.** The article explains the concept of settlement on the basis of scientific and theoretical concepts and current legislation. The author has developed his own independent approach to the division of settlements into species. The legal description and nature of the settlements are also revealed. The article examines the main environmental problems in cities, the solution of which is considered in the framework of the new UN Urban Development Program (Habitat III). The author pays special attention to ensuring the quality of the environment in settlements, strict adherence to environmental standards and thus ensuring the right of man to a comfortable environment. At the same time, the need to ensure the harmony of ecological, economic and social aspects of urban development as one of the important conditions for sustainable development is scientifically justified. The author scientifically and legally analyzes the issues of environmentalization of production, industry, construction, acoustic impact in settlements, environmental and legal requirements for the protection of atmospheric air, compliance with sanitary norms related to water resources and public health. The article substantiates the need for the State Committee for Ecology and Environmental Protection of the Republic of Uzbekistan to introduce a procedure for conducting an "environmental rating" of cities with the broad involvement of the public. As a result of research conducted on the topic, conclusions of scientific and practical significance have been developed.

**Keywords:** settlement, city, sustainable development, environment, greening, industry, construction activities, natural resources.

## **ШАҲАРЛАР ВА БОШҚА АҲОЛИ ПУНКТЛАРИДА АТРОФ МУҲИТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШНИНГ ЭКОЛОГИК-ҲУҚУҚИЙ ТАЛАБЛАРИ**

**Узакова Гўзал Шариповна,**

Тошкент давлат юридик университети, Экология ҳуқуқи кафедраси мудири, юридик  
фанлари доктори, профессор

**Аннотация.** Мақолада аҳоли пункти тушунчаси илмий-назарий тушунчалар ва амалдаги қонун ҳужжатлари асосида очиб берилган. Муаллиф аҳоли пунктларини турларга бўлишда ўзининг мустақил ёндашувини ишлаб чиққан. Шунингдек, аҳоли пунктларининг юридик тавсифи ва табиати очиб берилган. Мақолада шаҳарлардаги асосий экологик муаммолар ўрганилган, уларни ҳал қилиш масалалари БМТнинг Шаҳарларни ривожлантириш бўйича янги дастури (Хабитат III) доирасида кўриб чиқилган. Муаллиф аҳоли пунктларида атроф муҳит сифатини таъминлаш, экологик меъёрларга қатъий амал қилиш ва шу йўл билан инсоннинг қулай атроф муҳитга эга бўлиш ҳуқуқини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратган. Бунда барқарор ривожланишнинг муҳим шартларидан бири сифатида – шаҳарлар ривожланишининг экологик, иқтисодий ва ижтимоий жиҳатларининг уйғунлигини таъминлаш зарурлиги илмий жиҳатдан асосланган. Муаллиф ишлаб чиқариш, саноат, қурилиш соҳаларини экологизациялаш, аҳоли пунктларидаги акустик таъсир, атмосфера ҳавосини муҳофаза қилишнинг экологик-ҳуқуқий талаблари, сув ресурслари ва аҳоли саломатлигини сақлаш билан боғлиқ санитария нормаларига риоя қилиш масалаларини илмий-ҳуқуқий жиҳатдан таҳлил қилган. Мақолада Ўзбекистон Республикасининг Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан жамоатчилик вакиллари кенг жалб қилган ҳолда шаҳарларнинг "экологик рейтинги"ни юритиш

тартибини жорий этиш зарурати асослаб берилган. Мавзу доирасида амалга оширилган татқиқот натижасида илмий-амалий аҳамиятга эга бўлган хулосалар ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** аҳоли пункти, шаҳар, барқарор ривожланиш, атроф муҳит, экологизациялаш, саноат, қурилиш фаолияти, табиий ресурслар.

DOI: <https://doi.org/10.47390/SPR1342V4I8Y2024N44>

**Кириш.** Бугунги кунга келиб атроф муҳитнинг ҳуқуқий муҳофазаси янгича мазмун ва аҳамият касб этиб бормоқда. Ўтган асрда экологик-ҳуқуқий муносабатлар асосан атроф муҳитни табиий ҳолатда сақлаш ва келажак авлодга етказиш мазмунига эга бўлган бўлса, бугунги кунга келиб экологик-ҳуқуқий муносабатларнинг асосий мақсадларидан бири – антропоген ўзгарган ҳудудларда, хусусан аҳоли пунктларида атроф муҳит сифатини таъминлаш, бундай ҳудудларда экологик меъёрларга қатъий амал қилиш ва шу йўл билан инсоннинг қулай атроф муҳитга эга бўлиш ҳуқуқини таъминлашдан иборатдир.

Аҳоли пунктларида табиий ресурслардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари ва ҳуқуқни қўллаш фаолияти таҳлили аҳоли пунктларида қурилиш фаолиятини экологизациялаш, аҳоли пункти ҳудудларини зоналаштириш, аҳоли пунктларида атроф-муҳитни муҳофаза қилишнинг ташкилий-ҳуқуқий чоратадбирларини такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилишини талаб этади.

Республикамизда одамларнинг экологик хавфсиз ва қулай муҳитда яшашини таъминлаш мақсадида кенг қамровли дастурий тадбирлар амалга оширилмоқда. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ, ҳудудлар, туман ва шаҳарларни комплекс ва мутаносиб ҳолда ижтимоий-иқтисодий тараққий эттириш, кичик шаҳарлар ва шаҳарчаларни жадал ривожлантириш; қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш; муқобил энергия манбаларини жорий қилувчи, ишлаб чиқаришнинг экологик тоза услубларини йўлга қўядиган субъектларни рағбатлантириш; “яшил ҳудудлар”ни ташкил этиш; энергия тежовчи технологиялар ва муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш; ҳудудларни ободонлаштириш тизимини янада такомиллаштириш, Шаҳарсозлик кодексини тўғридан-тўғри ишлайдиган ҳужжат сифатида янги таҳрирда ишлаб чиқиш, урбанизацияни ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқиш, қурилиш қоидалари ва меъёрларини халқаро стандартларга мослаштириш, шаҳар ва қишлоқларда аҳолининг ҳаёт шароитини яхшилаш; табиий ва ижтимоий-иқтисодий салоҳиятга эга энг йирик шаҳарларни белгилаш, “йўлдош шаҳарлар” тизимини жорий этиш, аҳоли пунктларини шаҳарсозлик ҳужжатлари билан таъминлаш, қурилишда замонавий қурилиш материалларидан фойдаланиш чораларини кўриш бўйича тизимли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, аҳоли пунктларида табиий ресурслардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий масалалари билан боғлиқ татқиқот ишлари ривожланган мамлакатларнинг олий таълим муассасалари ва илмий марказларида, жумладан Oxford University, Cambridge University, Manchester University, Centre for Environmental Policy Imperial College London (Буюк Британия), Humboldt Universitat, The

University of Applied Sciences Mittweida (Германия), The University of Sorbonne (Франция), Kyoto University (Япония), National University of Seoul (Жанубий Корея), IUCN Academy of Environmental Law, Yale Center for Environmental Law and Policy, Odum School of Ecology University of Georgia, Massachusetts Institute of Technology, Indiana University (АҚШ), Warsaw University of Life Sciences (Польша), Uppsala universitet, Stockholm Environmental Law and Policy Centre (Швеция), Utrecht University, University of Groningen, Maastricht University (Нидерландия), The Centre for Environmental Law (Ҳиндистон), Centre for Environmental Law Macquarie University (Австралия), Academy of European Law (Венгрия), Tartu Ülikool, Estonian Environmental Law Centre (Эстония), Москва давлат университети (Россия), Беларусь давлат университетининг Халқаро давлат экология институтида (Беларусь) олиб борилмоқда. [1]

Жаҳонда аҳоли пунктларида табиий ресурслардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш бўйича амалга оширилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижаларга эришилган: аҳоли пунктларида “яшил ҳудудлар”ни ташкил этиш ҳамда қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш орқали глобал иқлим ўзгаришининг салбий таъсирини юмшатиш бўйича таъсирчан ҳуқуқий механизмлар таклиф этилган (Yale Center for Environmental Law & Policy (АҚШ), Stockholm Environmental Law and Policy Centre (Швеция); урбанизациянинг атроф-муҳитга таъсирини камайтириш орқали атроф-муҳитни муҳофаза қилиш тизимини ривожлантириш асосланган (IUCN Academy of Environmental Law (АҚШ), The Centre for Environmental Law (Ҳиндистон); атроф-муҳитга таъсирни баҳолаш институти жорий этиш орқали аҳоли пунктларида тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишни замонавий ҳуқуқий тартибга солиш механизмларини ривожлантириш зарурати асосланган (Centre for Environmental Law Macquarie University (Австралия), University of Groningen (Нидерландия); шаҳарсозлик ва қурилиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари тизимини экологизация қилишнинг заруратини очиқ бериш орқали атроф-муҳит сифатига оид халқаро, Европа ва миллий қонун ҳужжатларини ўзаро нисбати аниқланган (Indiana University (АҚШ), Utrecht University (Нидерландия); шаҳар аҳоли пунктларида маиший чиқиндиларни қайта ишлаш комплексларини модернизация қилиш, ишлаб чиқаришда экологик тоза услубларни, энергия тежовчи технологияларни қўллайдиган субъектларни рағбатлантириш зарурати **асослаб берилган** (Москва давлат университети (Россия), Беларусь давлат университетининг Халқаро давлат экология институти (Беларусь).

Материал ва методлар. Мазкур мақолада аҳоли пункти тушунчасининг юридик табиати очиқ берилган. Шунингдек, аҳоли пунктларининг турлари амалдаги қонун ҳужжатлари асосида тавсифланган. Муаллиф аҳоли пунктларини эколог-ҳуқуқшунос олимларнинг илмий-назарий қарашлари асосида таснифлаган. Шаҳарлардаги асосий экологик муаммолар ва уларни бартараф қилишда ҳуқуқий механизмларни самарали қўллаш усуллари илмий-ҳуқуқий жиҳатдан ўрганилган. Шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктлари ҳуқуқий ҳолати ўртасидаги фарқли жиҳатлар таҳлил қилинган. Шунингдек, муаллиф хўжалик ва саноат фаолиятини, қурилиш жараёнини экологизациялаш, аҳоли пунктларидаги акустик таъсир, атмосфера ҳавосини муҳофаза қилишнинг экологик-ҳуқуқий талаблари, сув ресурслари ва аҳоли саломатлигини сақлаш билан боғлиқ санитария нормаларига риоя қилиш масалалари таҳлиliga алоҳида эътибор қаратган:

Мазкур мақола доктринал татқиқот сифатида қонун ҳужжатлари ва илмий-назарий манбалар таҳлилини ўз ичига олади. Ушбу мақолада соҳага оид илмий тушунчалар, назарийётчи олимларнинг қарашлари, хулоса ва фикрлари ўрганилган. Шунингдек, экология соҳасига оид қонун ҳужжатлари қиёсий-ҳуқуқий жиҳатдан таҳлил қилинган. Мақола мавзуга оид асосий тушунчаларни ўрганишдан бошланган, ушбу тушунчаларни ривожлантириш билан давом эттирилган, ҳамда мавжуд механизмларни такомиллаштириш, муаммоларни ҳал қилиш йўлларини кўрсатишга оид хулосаларга келиш билан якунланган. Ушбу хулосаларнинг амалга ошиши инсониятнинг барқарор ривожланишини таъминлашда аҳоли пунктларида атроф муҳитни соғломлаштириш ҳисобига фуқароларнинг қулай атроф табиий муҳитга эга бўлиш ҳуқуқини таъминлаш мақсадларига эришишга хизмат қилади.

**Тадқиқот натижалари.** “Аҳоли пункти” тушунчаси Ўзбекистон қонунчилигида нисбатан яқинда – XX асрнинг бошларида пайдо бўлган. Адабиётларда “аҳоли пункти” тушунчаси турли вақтларда учта маънода ишлатилганлиги кўрсатилади. Хусусан, “аҳоли пункти” атамасининг биринчи маъноси XX аср бошларида маиший нутқда ушбу сўзга киритилган маънога мос ҳолда қўлланилган. Ушбу маънода “аҳоли пункти” атамаси одамларни жойлашув жойларининг умумий номини белгилаш ва шунга мос равишда одамларни турли хил жойлашув жойларини белгилаш учун – уларнинг маъносини тўлдирувчи таърифлар билан биргаликда ишлатилган (масалан, “меҳнат аҳоли пунктлари” ва ҳ.к.).

“Аҳоли пункти” атамасининг иккинчи маъноси – бу маъмурий-ҳудудий бирликларнинг турларидан бири, яъни маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва (ёки) фуқароларнинг ўзини ўзи бошқарув органларининг ваколатлари берилган ҳудуддир. Ва ниҳоят, “аҳоли пункти” атамасининг учинчи маъноси асосан қурилиш учун мўлжалланган ва фойдаланиладиган, битта тоифадаги ерларнинг мажмуасидир. [2, 8-6.]

Профессор М.Б.Усмонов ҳам бу борада, аҳоли пункти тасдиқланган шаҳарсозлик ва ер тузиш ҳужжатлари асосида чегаралари белгиланган, аҳоли яшайдиган, саноат, транспорт, алоқа, муҳофаа ва бошқа иншоотлар жойлашган шаҳар, посёлка, қишлоқлар ҳисобланади. [3, 348-6.]

Аҳоли пункти тушунчаси бўйича юридик адабиётларда мутахассислар томондан турлича таърифлар берилганлигининг гувоҳи бўлишимиз мумкин. Хусусан, Е.С.Бедованинг таъкидлашича эса, “аҳоли пункти – расмий номи ва белгиланган чегараларига эга бўлган, аҳоли учун қулай яшаш шароитларини таъминлаш учун одамлар истиқомат қилишлари, ижтимоий, транспорт ва бошқа инфратузилмаларни жойлаштириш учун мўлжалланган ҳудуд”. [4, 8-6.] Муаллифнинг ёзишича, аҳоли пунктларининг муҳим хусусиятлари қуйидагилардан иборат: аҳоли пунктларида қурилиш қилиш ва ривожлантириш; аҳолининг турли хил турмуш таъминоти объектларини жойлаштириш; объектларни аҳоли пунктлари ҳудудига жойлаштиришда қонунда белгиланган талабларга риоя қилиш; ушбу тоифадаги ерларни белгиланган чегаралар бўйича бошқа ерлардан ажратиш. [5, 210-212 б.]

Н.Л.Лисинанинг қайд этишича, “аҳоли пунктларининг ҳуқуқий ҳолати – бу ер ва шаҳарсозлик қонунчилиги нормаларида белгиланган, аҳоли пунктлари чегаралари доирасида ерлардан фойдаланиш ва уларни ҳимоя қилиш тартиби, шаҳарсозлик режалаштирилиши, ҳудудий зоналаштириш ва қурилишни тартибга солиш орқали ер

ҳуқуқлари субъектларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини белгиловчи ва аҳоли пунктининг қулай яшаш муҳити ҳамда барқарор ривожланишини таъминлаш мақсадида қурилишни тартибга солишдир”. [6, 6-6.]

Ю.ф.д. Дж.И.Сафаров эса, аҳоли пунктлари аҳоли жойлашган ерлар бўлиб, ушбу ерларда асосан аҳоли яшаш жойларини қуриш ва ривожлантириш, шунингдек, транспорт тизимини ва умуми инфратузилмани жойлаштириш, саноатни ривожлантириш мақсадлари кўзда тутилади, деб ёзади. [7, 285-6.]

Бизнинг фикримизча, “аҳоли пункти” деганда, ҳуқуқий мақом, ном ва чегара билан белгиланган маъмурий-худудий бирлик (шаҳар, шаҳарча, қишлоқ, овул) тушунилиши лозим.

Аҳоли пунктларининг тушунчаси ва хусусиятларини очиб беришда шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктларни фарқлашга алоҳида эътибор қаратилади. Хусусан, А.О.Воронин таъкидлашича, шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктларини фарқлаш учун аниқ мезонлар мавжуд эмаслигини таъкидлайди. Унинг ёзишича, шаҳар аҳоли пунктларидан фойдаланишнинг ҳуқуқий режимини объектив сабабларга кўра, қишлоқ аҳоли пунктларининг ҳуқуқий режимига тўлиқ тенглаштириб бўлмайди. Шаҳарсозлик меъёрларини, худудий режалаштириш ҳужжатларини, биринчи навбатда бош режаларни, ердан фойдаланиш ва қурилиш қилиш қоидаларини ишлаб чиқишда, биринчи навбатда, улар шаҳар ёки қишлоқ аҳоли пунктларига нисбатан ишлаб чиқиладиганлигини ҳисобга олиш керак.[8, 7-8 б.]

Таъкидлаш лозимки, дунёда глобаллашув ва урбанизация шароитида аҳоли пунктларининг ривожланишида, уларда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан фойдаланиш тартиби ва қоидаларида ҳам жиддий ўзгаришлар рўй берди. Бу борада Ю.С.Жеребненко ушбу тенденция қишлоқ аҳоли пунктлари учун табиий ресурслардан рекреация мақсадларида фойдаланишдан бошқа турларининг қисқариши, масалан, ерлардан фойдаланиш даражасининг пасайиши, табиатдан фойдаланишнинг қатор турларидан воз кечилиши (ўтин ва доривор ўтлар йиғиш) билан ҳамоҳанг кечмоқда, деб ёзади. [9, 248-249 б.] Фикримизча, қишлоқ аҳоли пунктларида табиатдан фойдаланишнинг бошқа хусусиятлари, шу жумладан, сувдан тежаб фойдаланиш, ердан фойдаланишда замонавий технологияларни қўллаш, табиий ресурслардан интенсив фойдаланиш ва бошқа жиҳатларга ҳам эътибор қаратилиши лозим.

Шу ўринда аҳоли пунктлари турлари (тоифалари) масаласига алоҳида тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ. Бу борада Шаҳарсозлик кодексининг 9-моддасида аҳоли пунктларининг шаҳар аҳоли пунктлари (шаҳарлар, шаҳар посёлкалари) ва қишлоқ аҳоли пунктларига (қишлоқлар, овуллар) бўлинади.

Шу билан бирга шаҳар аҳоли пунктларининг таснифи аҳоли сони мезонига асосланиб ишлаб чиқилган. Мазкур мезон асосида шаҳар аҳоли пунктлари 5 та турга бўлинади: энг йирик аҳоли пункти (аҳоли сони бир миллиондан ортиқ); йирик аҳоли пункти (аҳоли сони икки юз эллик мингдан бир миллионгача); катта аҳоли пункти (аҳоли сони юз мингдан икки юз эллик минггача); ўртача аҳоли пункти (аҳоли сони эллик мингдан юз минггача); кичик аҳоли пункти (аҳоли сони эллик минггача).

Ўз навбатида қишлоқ аҳоли пунктлари ҳам аҳоли сонига қараб 4 та турга бўлинади: йирик аҳоли пункти (аҳоли сони беш мингдан ортиқ), катта аҳоли пункти

(аҳоли сони уч мингдан беш минггача), ўртача аҳоли пункти (аҳоли сони бир мингдан уч минггача), кичик аҳоли пункти (аҳоли сони бир минггача).

Шаҳарлар аҳоли пунктларининг муҳим тури бўлиб, адабиётларда таъкидланганидек, шаҳар бизни ўраб турган мураккаб ижтимоий воқеилик бўлиб, у нафақат аҳолининг яшаш жойи, балки ижтимоий-маданий, маиший, ишлаб чиқариш ва ҳоказоларга мўлжалланган, турли соҳаларда аҳоли манфаатларига хизмат қиладиган, табиий муҳитнинг таркибий қисмлари билан ўзаро муносабатда мавжуд бўлган инсон томонидан яратилган объектларнинг бирлашган маконини ифодалайди. Айнан шунинг учун шаҳарларнинг атроф-муҳит сифати одамларнинг таъсирига ва табиий жараёнларга боғлиқ турли омиллар билан белгиланади, улар сўнгги йилларда жиддий салбий ўзгаришларга, трансформацияга, тарангликларга дуч келмоқдалар. **[10, 242-б.]**

Профессор М.Б.Усмонов таъкидлаганидек, шаҳарлар маданий ва илмий марказ бўлиб, улар аҳолисининг сони, иқтисодий ва саноатининг ривожланганлиги, маданий, илмий ва ўқув масканларининг мавжудлигига қараб фарқланади. **[11, 348-б.]**

Профессор Ж.Т.Холмўминов ва ю.ф.д. Дж.И.Сафаровларнинг фикрича эса, “шаҳарлар деганда аҳолиси асосан саноат, савдо ва хизмат кўрсатиш, бошқарув, фан ва маданият соҳаларида банд бўлган энг катта аҳоли пунктлари тан олинади. Шаҳарлар умумий қоидага кўра, туман ва вилоятларнинг маъмурий ва маданий марказлари ҳисобланади. Уларнинг характерли хусусияти аҳолининг зич жойлашганлиги ва қурилишларнинг компактлигидир. Шаҳар жамият ҳаётида кўп жиҳатдан ижтимоий организм, мураккаб иқтисодий-географик, архитектура ва қурилиш, шунингдек, маданий мажмуа сифатида ифодаланади”. **[12, 160-б.]**

Л.Н.Чолтяннинг фикрича, “шаҳар – бу маъмурий ва ҳудудий чегараларга эга бўлган мавжуд ижтимоий ҳаёт тарзига таянадиган, маълум бир ҳудуддаги аҳолининг тарихий барқарор ижтимоий-иқтисодий ташкилоти” **[13, 113-116 б.]** Муаллифнинг ёзишича, шаҳар аҳоли пунктлари – бу маълум бир ҳудудда ишлаб чиқарувчи кучларнинг юқори даражада тўпланишининг бир қатор белгилари, меҳнатни қўллаш соҳаларининг хилма-хиллиги, муҳандислик коммуникациялари, транспорт йўлларининг ривожланганлиги, қурилишлар ва аҳоли пунктларининг зичлиги, экологик жиҳатдан ноқулай яшаш муҳити ва бошқалар билан тавсифланадиган, маъмурий-ҳудудий чегараларга эга бўлган ва шаклланган ижтимоий ҳаёт тарзига асосланган аҳоли ҳаёт фаолиятининг ўзига хос ижтимоий-иқтисодий тузилмасига эга бўлган маълум бир ҳудуддир. Шаҳар аҳоли пунктларини таснифлашнинг асосий мезонлари орасида аҳоли сони, ривожланган транспорт коммуникациялари тармоғи, саноат корхоналари мавжудлиги, ривожланган транспорт коммуникациялари тармоқлари, шаҳар аҳоли пунктларида илмий, маданий ва ишбилармонлик марказларининг жойлашиши, уларда алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар ва (ёки) хавфли зоналарнинг мавжудлиги (табиий ёки техноген хусусиятдаги авариялар ва табиий офатлар, саноат, қишлоқ хўжалиги ифлосланиши ва бошқа ифлосланишлар туфайли экологик жиҳатдан ноқулай ҳудудлар ва ҳоказо). **[14, 10-11 б.]**

Урбанизация жадал ўсаётганига ва шаҳар аҳоли пунктларидаги мураккаб экологик вазиятга қарамай, амалдаги қонунчилик ва юридик фанларда “шаҳар”, “аҳоли пункти”, “шаҳар аҳоли пункти” каби тушунчаларнинг аниқ таърифлари ишлаб чиқилмаган. Ваҳоланки, айнан шаҳар замонавий жамиятнинг ҳудудий ва ижтимоий-



иқтисодий ташкил этилишининг етакчи шакли ҳисобланади. Шунинг учун илмий адабиётларда жамиятни ташкил этишнинг ушбу шаклининг асосий хусусиятларига эътибор қаратилади.

В.В.Таболин, ҳудуднинг ҳажмига ва аҳолининг устувор бандлигига қўшимча равишда шаҳар аҳоли пунктлари қуйидагилар билан ажралиб туради: қурилиш ва аҳоли жойлашувининг юқори зичлиги; меъморчилик қурилишининг кўп қаватлилиги; шаҳар атрофининг мавжудлиги; шаҳарнинг кўп тармоқли иқтисодиёти; саноатлашган хизмат кўрсатиш соҳасига асосланган шаҳар инфратузилмаси шаклининг ривожланганлиги; транспорт ва муҳандислик коммуникацияларининг сезиларли узунлиги; транспорт инфратузилмаси катта шакллариининг мавжудлиги; шаҳар иқтисодиёти ва бошқарувининг кўп босқичли ва кенг тармоқли тузилиши; экологик ноқулай турмуш шароити, юқори касаллик ва ўлим кўрсаткичлари; табиатдан ажралганлиги, унинг сунъий шакллар билан алмаштирилганлиги ва бошқалар, деб ёзади. [15, 9-10 б.]

Айниқса йирик шаҳарларнинг ўзига хос барқарор хусусиятлари, баъзи муаллифларнинг фикрига кўра, маълум бир ҳудудда ишлаб чиқарувчи кучларнинг юқори даражада тўпланиши, меҳнатни қўллашнинг хилма-хил соҳалари ва бунинг натижада – фаолиятнинг жадал алмашинуви ва интенсив алоқаларидир. Хусусан, уларнинг фикрича, шаҳарнинг ижтимоий-иқтисодий табиати – бу амалга ошириш учун чекланган ҳудудни талаб қиладиган бошқариш, маданият, ҳўжалик-ишлаб чиқаришни тартибга солиш функцияларининг мужассамлашувидир.[16, 78-б, 201-б.]

Шаҳарнинг асосий белгилари орасида Б.В.Ерофеев унинг функционал имкониятлари (саноат маркази, маъмурий-сиёсий, университет, илмий марказларга эгаллиги ва б.қ.) ва аҳолининг устувор бандлигини келтиради.[17, 12-б.]

Амалдаги ер ва шаҳарсозлик қонунчилигида шаҳар аҳоли пунктларининг тўлақонли таснифи берилмаган. Шуни таъкидлаш керакки, шаҳар аҳоли пунктларининг, уларнинг ҳажми, аҳамияти, аҳолининг ижтимоий ва демографик таркиби, иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш табиати ва бошқа белгилар жиҳатидан хилма-хиллиги, уларнинг экологик ҳолатини ўрганиш ва яхшилаш учун уларни таснифлаш зарурлигини намоён қилади.

Амалдаги қонунчилигимизда шаҳар аҳоли пунктларининг батафсил таснифининг йўқлиги, бизнинг фикримизча, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги жиддий камчиликдир, чунки зарарли экологик оқибатлар одатда ишлаб чиқарувчи кучларнинг ҳудудий жойлашуви даражасига бевосита боғлиқ. Аҳолининг юқори зичлиги табиий муҳитга ўз ўзидан жиддий таъсир қилади. Бироқ, унга энг катта салбий таъсир аҳоли томонидан эмас, балки саноат, энергетика, транспорт ва бошқа объектлар томонидан кўрсатилмоқда. Бундан ташқари, ишлаб чиқарувчи кучларнинг энг катта зич жойлашуви ҳам айнан шаҳар аҳоли пунктлари учун хос.

Шунинг учун, биз шаҳар аҳоли пунктларини таснифлаш учун яшаётган аҳолининг фақат катталиги ва миқдори бўйича гуруҳлаш етарли эмас деб ҳисоблаймиз. Бошқача айтганда, фақатгина аҳоли сонига эмас, балки саноат, транспорт, маданий, тарихий, илмий, маъмурий ихтисослашув ва бошқа муҳим мезонларни ҳам инобатга олувчи тасниф белгиланиши лозим.

Бу борада Н.Г. Жаворонкованинг шаҳар аҳоли пунктларини уларнинг эколого-урбанистик хусусиятлари асосида таснифлаш таклифи ўринли, деб ҳисоблаймиз.

Хусусан, ушбу муаллифнинг фикрига кўра, аҳоли пунктларининг эколого-урбанистик хусусиятлари қуйидагилардан иборат а) атмосфера ҳавосининг тозалиги; б) сув ресурслари; в) ер ресурслари; д) шовқин муаммолари; э) чиқиндиларни тўплаш, йўқ қилиш ва қайта ишлаш; э) шаҳар атрофи зоналари ва бошқалар.[18, 54-6.]

Бу борада Л.Н.Чолтян ҳам экологик режалаштириш шаҳар аҳоли пунктлари атроф-муҳитини яхшилашда етакчи рол ўйнаши керак, унинг мақсади шаҳарнинг табиий объектларидан фойдаланишнинг умумий тамойилларини аниқлаш ва амалга оширилиши шаҳар аҳоли пунктларида экологик мувозанатни ўрнатишга ёрдам берадиган аниқ чора-тадбирларни таклиф қилишдир, деб ёзади. [19, 113-116 б.]

Фикримизча, шаҳарни хўжалик фаолиятнинг айрим турлари билан шуғулланадиган кўпчилик одамларнинг яшаш жойи сифатида белгилашга ёндашув етарли эмас. Шаҳар таърифини баҳолашда алоҳида хусусиятлардан эмас, балки шаҳар турли функцияларга эга эканлигига асосланган тизимдан фойдаланиш керак. Шаҳарлар бошқа аҳоли пунктларидан қуйидаги хусусиятлар билан ажралиб туради – саноат корхоналари зич жойлашган катта ҳудуд, бинолар ва турар-жойларнинг зичлиги, меъморий қурилишларнинг кўп қаватлилиги, шаҳар атрофининг мавжудлиги, транспорт ва муҳандислик коммуникацияларига эгалиги, экологик жиҳатдан ноқулай атроф-муҳит ва бошқа бир қатор белгилар.

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш тўғрисидаги замонавий қонунлар шаҳар аҳолисининг қулай яшаш шароитлари ва турмуш шароитларини яратиш учун шаҳар аҳоли пунктларига нисбатан техник, иқтисодий ва қонунчилик чораларини самарали, мақсадли амалга ошириш зарурлигини кўрсатмоқда.

Шаҳарларда маъмурий хўжалик ва коммунал муассасаларини, санаторий-курорт ва соғломлаштириш муассасаларини ташкиллаштириш, маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, атроф муҳитни муҳофаза қилиш, шаҳарсозлик экология ва табиий заҳиралардан тўғри фойдаланиш ер ресурслардан, турар жой фондидан ижтимоий ва муҳандислик инфратузилмаларидан оқилона тарзда фойдаланишга ёрдам қилади.[20, 3-4 б.]

Мамлакатимизда сўнгги йилларда содир бўлаётган урбанизация жараёнлари аҳоли ва атроф-муҳит ўртасидаги муносабатларнинг барқарор ривожланишига путур етказмоқда. Хусусан, атмосфера ҳавоси, тупроқ, сув объектлари ва атроф-муҳитнинг бошқа таркибий қисмларининг ифлосланиши, аҳолининг экологик муҳитдан ажралиши, – шаҳарларнинг кўпайиши оқибати бўлиб, баъзи олимларнинг фикрига кўра, бу йирик шаҳарларнинг асосий камчилиги ҳисобланади.[21, 23-б.]

**Тадқиқот натижалари таҳлили.** БМТ маълумотларига кўра, 2020 йилда дунё аҳолиси 7,8 миллиард кишига етди ва 2050 йилга бориб яна 2 миллиарддан ошиқроқ кишига кўпаяди.[22] Келгуси ўн йилликларда Африка ва Осиё аҳолиси сезиларли даражада кўпаяди. Дунё аҳолисининг ярмидан кўпи шаҳарларда яшайди, шаҳар агломерациялари сони ўсиб бормоқда. БМТнинг тахминларига кўра, XXI асрнинг ўрталарига келиб шаҳар аҳолиси ҳар куни ўртача 200 минг кишига кўпаяди, ҳар ўн кишидан еттитаси шаҳар ҳудудларида яшайди.[23]

Аҳолининг атроф-муҳит билан ўзаро таъсири даражаси ва табиати шаҳарлардаги экологик вазиятни, табиий муҳит таркибий қисмларининг ҳолати кўрсаткичларини акс эттиради. Шаҳарларнинг жадал ўсиши аҳолининг экологик хавфсизлигини ва шаҳар

муҳитининг табиий таркибий қисмларини, аҳолининг атроф-муҳит билан ўзаро муносабатини мураккаблаштиради.

Хўжалик ва бошқа антропоген фаолият таъсири остида шаҳарлардаги табиий муҳит муқаррар равишда ўзгаради, кўп ҳолларда, ифлосланади ва бу атроф-муҳитни тиклаш бўйича зарур чораларни кўришни талаб этади. Шаҳар муҳити экологик ноқулайлигининг сабабларидан бири самарали ҳудудий экологик сиёсатнинг йўқлиги бўлиб, антропоген таъсирга дуч келмаган табиий ландшафтлар ҳам, табиий-техноген ландшафтлар ҳам ҳуқуқий тартибга солиш объекти сифатида иноватга олиниши лозим. Шаҳар агломерацияларининг фаол шаклланиши ва ўсиши шароитида турли ландшафтларни ҳисобга олиш зарур, чунки уларни йўқ қилиш охир-оқибат шаҳар аҳолиси турмуш шароитининг ёмонлашишига олиб келади.[24, 105-6.]

Табиий ва табиий антропоген ландшафтларни муҳофаза қилишда ландшафтни режалаштириш муҳим восита сифатида хизмат қилиши керак. Бундан ташқари, шаҳар ландшафтининг ажралмас қисми бўлган, ҳар доим шаҳарлар ҳаётида муҳим тарихий аҳамиятга эга бўлган шаҳарлардаги кўкаламзорларни ҳимоя қилиш долзарб муаммо ҳисобланади, чунки айнан улар шаҳарлар аҳолисининг турли эҳтиёжларига хизмат қилади (коммунал-маиший, рекреация, атроф-муҳитни муҳофаза этувчи, санитария, урбанистик ва бошқалар).[25, 104-6.]

Шаҳар муҳитининг долзарб муаммоларидан бири шовқин таъсири ҳисобланади. Бундан ташқари, шаҳарлардаги шовқин таъсири объектларга (табиий, табиий-антропоген, аҳоли) комплекс таъсир қилиш хусусиятига эга, чунки илмий-техник тараққиётнинг аксарият ютуқлари бундай таъсирнинг манбалари (автомобил, темир йўл, ҳаво транспорти, хўжалик, одамларнинг қурилиш ва ишлаб чиқариш фаолияти ва бошқалар) ва барчаси бир вақтнинг ўзида таъсир қилиши мумкин.

Бундай ҳолда, ҳар бир манбадан шовқин чиқариш белгиланган меъёрлар доирасида амалга оширилиши мумкин ва умумий ҳолда шовқин таъсири инсоннинг соғлиғи ҳолатига (асаб бузиши, қон босими ошиши, эшитишнинг йўқолиши) ва атроф-муҳит таркибий қисмларига (масалан, ҳайвонот дунёси объектлари баланд шовқинларда ўз мўлжалини йўқотади) салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Бу шовқиннинг шаҳар муҳитига ва инсон саломатлигига таъсири муаммосини ҳал қилишни мураккаблаштиради.

Шовқин таъсирини аниқлаш давлатнинг экологик ва урбанизация бўйича сиёсатини амалга ошириш доирасидаги устувор йўналишларидан бири ҳисобланади ҳамда шаҳарларнинг “акустик” барқарорлигини таъминлаш учун бир қатор техник (технологик), шаҳарсозлик ва санитария-эпидемиологик чоралар кўрилади.

Атроф-муҳитни шовқин таъсиридан ҳуқуқий ҳимоя қилиш – бу унинг мезонларини белгилаш орқали, шунингдек ишлаб чиқариш кучларини, технологик жараёнларни ва ҳудудларда қурилиш қилишни режалаштиришни шовқиндан ҳимоя қилиш нуқтаи назаридан жойлаштиришни тартибга солувчи акустик муҳитнинг сифатини тартибга солувчи чора-тадбирлар мажмуасидир.[26, 153-154-6.]

Шаҳар аҳоли пунктлари атроф-муҳитининг сифати бевосита шаҳар муҳитининг табиий объектларига боғлиқ. Шаҳар аҳоли пунктлари – бу одамлар томонидан деярли барча атроф-муҳит объектлари сезиларли даражада ўзгартирилган ҳудуддир. Таъкидлаш жоизки, ривожланган саноат ишлаб чиқаришига эга бўлган шаҳар аҳоли

пунктлари сув ресурсларининг асосий истеъмолчилари бўлиб ҳисобланади. Бироқ, шаҳар жойларида сув ресурсларидан фойдаланиш нафақат миқдорий, балки сифат мезонларига ҳам боғлиқ. Р.И. Белецкаянинг фикрича, сув объектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш, сув объектларини сақлаш ва қайта тиклаш сув-ҳуқуқий муносабатлар нормалари билан тартибга солинади.[27, 114-6.]

Шаҳар аҳоли пунктларининг атроф-муҳитни муҳофаза қилишга қаратилган чора-тадбирлар тизимида атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш масаласи долзарб аҳамият касб этади. Бизга маълумки, атмосфера ҳавосининг ифлосланиши турли хил салбий оқибатларга олиб келади. Бу иқлим ўзгариши ва шаҳарлардаги биноларнинг барвақт емирилиши каби салбий оқибатларга олиб келиш бирга, инсон саломатлигига жиддий зарарли таъсир ҳам кўрсатади. Шу сабабли, шаҳар аҳоли пунктларида атмосфера ҳавосининг ифлосланиши зарур ташкилий ва ҳуқуқий чораларни кўришни талаб қилади.[28, 111-112 б.]

Шундай қилиб, атроф-муҳит ҳолати ва шаҳарлар аҳолиси саломатлиги ўртасидаги яққол боғлиқликни кузатиш мумкин. Шаҳарларда табиий объектлар ва ресурсларни ҳимоя қилишга қаратилган чора-тадбирларни кўриш зарур, чунки айнан уларнинг барқарор ҳолати, бошқалар омиллар (турмуш тарзи, ижтимоий омиллар ва бошқалар) билан бир қаторда инсон саломатлигига таъсир этувчи ҳал қилувчи омил ҳисобланади.

Таъкидлаш жоизки, бир вақтнинг ўзида ҳам ижтимоий-иқтисодий, ҳам экологик муаммоларни ҳал қилиш жуда мураккаб жараён сифатида намоён бўлади. Табиатнинг ифлосланиши, емирилиши, йўқ қилиниши орқали унга етказиладиган салбий таъсир, табиат томонидан амалга ошириладиган экологик функциянинг таркибига салбий элементларни киритади,[29, 133-6.] моддий бойликларни ишлаб чиқариш учун табиий ресурслардан фойдаланиш ва истеъмол қилиш билан боғлиқ иқтисодий манфаатлар қондирилиши, муқаррар равишда, табиатнинг ўз функциясини бажариши сифатида намоён бўладиган табиий муҳитга салбий ўзгаришларни келтириб чиқаради.

Ҳозирги шароитда мамлакатимиз экологик сиёсатида қулай атроф-муҳитни сақлашни таъминлайдиган ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал қилиш долзарб вазифа сифатида кўрилмоқда. Хусусан, 2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг Атроф муҳитни муҳофаза қилиш концепциясида ҳам шаҳарларда атроф-муҳитни муҳофаза қилишга қаратилган бир қатор чора-тадбирлар белгиланган. Масалан, шаҳарлардаги асосий экологик муаммо сифатида транспорт воситаларидан фойдаланишдан ҳосил бўладиган ис газини муаммосини ҳал қилиш мақсадида 2020 йил 1 январдан бошлаб “Евро-4”дан паст экологик тоифадаги мотор ёқилғисини ишлаб чиқариш бўйича янги қувватларни ишга тушириш, 2022 йил 1 январдан бошлаб “Евро-3”дан паст экологик тоифадаги мотор ёқилғисини, 2023 йил 1 январдан бошлаб эса “Евро-4”дан паст экологик тоифадаги мотор ёқилғисини “вақтинча олиб кириш” ва “эркин муомала (импорт) учун чиқариш” божхона режимига жойлаштириш ҳамда 2022 йил 1 январдан бошлаб заҳарлилик даражаси “Евро-4” экологик тоифа талабларига мос келмайдиган газ, бензин ва дизел двигателлари билан жиҳозланган “М” ва “N” тоифаларидаги ғилдиракли транспорт воситаларидан фойдаланиш ва уларни сотиш мақсадида “вақтинча олиб кириш” ва “эркин муомала (импорт) учун чиқариш” божхона режимига жойлаштириш ман этилди.

Умуман олганда, 2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг Атроф муҳитни муҳофаза қилиш концепциясида мамлакатдаги экологик вазият бўйича давлат сиёсатининг стратегик мақсади сифатида ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал этишни кўзда тутилади, иқтисодиётнинг экологик жиҳатдан ўсишини, қулай атроф-муҳитни, ҳозирги ва келажак авлодларнинг эҳтиёжларини қондириш учун биологик хилма-хилликни ва табиий ресурсларни сақлашни, ҳар кимнинг қулай атроф-муҳитга бўлган ҳуқуқини амалга оширишни, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва экологик хавфсизликни таъминлаш соҳасида қонун устуворлигини мустаҳкамлашни таъминлайди.

Ушбу мақсадга эришиш учун давлат анъанавий равишда муайян вазифаларни қўяди ва экологияни ривожлантириш соҳасидаги давлат сиёсатини амалга оширишнинг муайян механизмларини (меъёрий-ҳуқуқий, ташкилий, иқтисодий, табиатни муҳофаза қилувчи, ахборот-таҳлилий, мафкуравий) таъминлайди, белгиланган соҳада давлат сиёсатининг йўналишини белгилаб, ҳам атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, ҳам экологик хавфсизликни таъминлаш соҳасидан бошлаб, экологик таълимни шакллантириш ва экологик тарбия ҳамда таълимни ривожлантириш соҳаларига бўлган давлат бошқарувининг самарали тизимини шакллантиради.

“Яшил ўсиш” йўлига ўтиш, энергия самарадорлигини ошириш ва қайта тикланадиган энергия манбаларини ривожлантиришни таъминлаш, чиқинди, оқова сувларнинг пайдо бўлиши ва йўқ қилинишининг камайишини иқтисодий рағбатлантириш чораларини жорий этишни таъминловчи ҳуқуқий ва институционал тадбирлар мажмуини амалга ошириш орқали эришилади.

Таъкидлаш лозимки, сўнгги йиллар ичида иқтисодий фаолиятнинг айрим йўналишларини экологиялаштириш ишлари олиб борилган, барқарор ривожланишга ўтиш учун ташкилий ва ҳуқуқий шарт-шароитлар яратилган бўлса-да, аммо шаҳарларда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш борасида кўпгина масалалар ҳануз ўз ечимини топмаган. Ушбу соҳадаги ҳуқуқий тартибга солишнинг мураккаблиги шундан иборатки, қонун, бир томондан, экологик муносабатлар иштирокчиларининг хатти-ҳаракатларини шаҳар аҳолиси учун мақбул йўналишга айлантириши, иккинчи томондан, прогноз ҳужжатларда белгиланган ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал қилиши керак.[30, 128-129 б.]

Шаҳарларда қулай муҳитни таъминлашда экологик тартибга солиш, экологик экспертиза, давлат экологик назорати ва экологик мониторинг каби ҳуқуқий институтлар муҳим аҳамият касб этади.[31, 242-243 б.] Мазкур ҳуқуқий институтлар шаҳарларда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва яхшилаш тадбирлари орасида ўзининг муносиб ўрнини эгаллаши керак. Шу билан бирга, шаҳарлар учун долзарб муаммоларни ҳал қилиш шаҳарлар “ифлосланиши” даражасига асосланган ижтимоий муносабатларга таъсир қилишнинг замонавий усуллари ҳисобга олган ҳолда ҳал қилиниши керак. Шу маънода ҳар йили Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан жамоатчилик вакиллари кенг жалб қилган ҳолда шаҳарларнинг “экологик рейтинги”ни юритиш тартибини жорий этиш мақсадга мувофиқ.

Шаҳарларнинг атроф-муҳити ҳолати экология ҳамда аҳоли учун номақбул бўлиб қолмоқда. Урбанизация, ҳудуднинг ўзлаштирилиши, одамларнинг табиий жараёнларга аралашishi фаоллиги даражаси атроф-муҳит сифатини белгиловчи асосий омиллардир.

Таъкидлаш жоизки, иқтисодий ривожланишда асосий ролни саноат сектори ўйнайди. Шу муносабат билан атроф-муҳит ифлосланишининг асосий омили саноат ишлаб чиқаришининг ривожланиш тенденцияси бўлиб қолмоқда. Анъанавий саноат (кимё, металлургия, тоғ-кон саноати ва бошқалар) билан бир қаторда замонавий технологияларни қўллаш билан боғлиқ янги тармоқлар кенг тарқалиб, ушбу соҳалар оғир металллар каби атроф-муҳитни заҳарли чиқиндилар билан ифлослантиришга сабаб бўлмоқда.

Бу борада халқаро ҳужжатларда, хусусан, 1976 йилги Аҳоли пунктлари тўғрисидаги Ванкувер декларациясида ҳам аҳоли пунктларидаги салбий экологик вазиятдан огоҳ этган ҳолда одамлар ҳаёти сифатини нафақат ижтимоий-иқтисодий муаммоларни, балки аҳоли пунктларидаги атроф-муҳитни муҳофаза қилиш муаммоларини ҳал қилишга боғлиқ эканлигини белгилаб беради.[32]

Барқарор ривожланишнинг муҳим шартларидан бири ҳам айнан шаҳар ривожланишининг экологик, иқтисодий ва ижтимоий жиҳатларининг уйғунлигини таъминлашни назарда тутати. Ушбу тамойил шаҳарларда атроф-муҳитни муҳофаза қилишнинг асосини ташкил этади. Хусусан, 1987 йилда БМТнинг Атроф-муҳит ва ривожланиш бўйича халқаро комиссияси томонидан жорий этилган “барқарор ривожланиш” атамаси (ингл. “sustainable development” – мувозанатли, доимий қўллаб-қувватланадиган, ўзини ўзи таъминлайдиган, мақбул ривожланиш), келажак авлодларнинг ўз эҳтиёжларини қондириш имкониятларини хавф остига қўймаган ҳолда ҳозирги пайтдаги эҳтиёжларни қондирадиган ривожланишни англатади.

Бу ҳозирги ва келажак авлодларнинг тенг манфаатлилиги ғоясига таянадиган, экологик жиҳатдан асосланган иқтисодий ва ижтимоий ривожланишдир. Шу билан бирга, кўплаб олимлар барқарор ривожланиш концепциясининг пайдо бўлишини, атроф-муҳитни ривожлантириш муҳофаза қилиш ўртасидаги боғлиқликнинг умумий хусусиятларини белгилаб берган БМТнинг Инсон атроф-муҳити масалалари бўйича Стокгольм конференцияси (1972) натижалари билан боғламоқдалар. Рио-де-Жанейрода бўлиб ўтган халқаро конференцияда (1992), маълум бир давлат, минтақа ёки субминтақа учун хос бўлган муайян тарихий, маданий, иқтисодий, этник, ижтимоий ва экологик шароитларда барқарор ривожланиш нима эканлигини ҳар хил тушунган ҳолда, барқарор ривожланиш “иқтисодий фаолият, табиий захиралардан фойдаланиш, инвестициялар йўналиши, илмий ва технологик ривожланиш йўналиши, шахснинг ривожланиши бир-бири билан мувофиқлаштирилган ва инсон эҳтиёжларини қондириш учун мавжуд ва келажакдаги потенциални мустаҳкамлайдиган атроф-муҳитнинг ўзгариши жараёни” сифатида, якуний ҳужжатга киритилди.

Кейинги йилларда барқарор ривожланишга оид тамойиллар жаҳон миқёсида муваффақият билан ҳаётга татбиқ этилди, аммо Рио-20 “Биз хоҳлаган келажак” конференциясида таъкидланганидек, 1992 йилда жамият ва табиат муносабатларини уйғунлаштириш, ҳозирги ва келажак авлодлар манфаати учун, иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш бўйича белгиланган вазифаларни бажаришда давом этиш керак.

Шаҳарларнинг ижтимоий-иқтисодий экологик муаммолари масалалари БМТнинг уй-жой ва барқарор шаҳар ривожланиши бўйича Хабитат-III конференцияси (2016 йил 17–20 октябр, Киото, Эквадор) қатнашчилари томонидан ҳам кўриб чиқилган. Кун тартибидаги мақсадни (шаҳарлар ва аҳоли пунктларининг очиқлиги, хавфсизлиги,

пухталиги ва экологик барқарорлигини таъминлаш) амалга ошириш доирасида янги шаҳарсозлик дастури қабул қилинди (Экологик барқарор шаҳарлар ва аҳоли пунктларга бағишланган Киото декларацияси). [33]

Шаҳарда экологик талабларни ҳисобга олмасдан туриб, одамларнинг хилма-хил эҳтиёжларини қондириш мумкин эмас. Шу билан бирга, шаҳардаги экологик тоза муҳит инсоннинг ҳар томонлама ривожланиши учун имконият яратади. Инсон нафақат психологик жиҳатдан соғлом шаҳар муҳитига, балки экологик жиҳатдан зарарсиз муҳитга ҳам муҳтож, табиий муҳит ҳам инсоннинг эҳтиёжларини қондириш учун шарт-шароит яратиб, ўзига эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлишни талаб қилади.

Жамият ва табиат ўртасидаги ўзаро муносабатлар соҳасидаги инсон фаолияти жамият ва табиат қонунларидан келиб чиқадиган экология ҳуқуқи нормалари билан белгиланадиган талаблар асосида аниқланади.[34, 13-б, 198-б, 49-50 б.] Инсон фаолиятида экологик талаблар табиат (атроф-муҳит), шунингдек уларнинг манбаи бўлган алоҳида табиий объектларнинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда фойдаланиш ва муҳофаза қилишни назарда тутиши керак. Экологик талаблар ҳўжалик юритувчи субъектлар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий бўлиб, инсоннинг экологик аҳамиятли фаолиятининг асослилигини таъминлаш учун расмий мезон ҳисобланади.

Экологик талаблар, авваламбор, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланади. Таъкидлаш лозимки, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича экологик ва ҳуқуқий чоратадбирларнинг самарадорлиги ва охир-оқибат атроф-муҳит ва аҳоли саломатлиги ҳолати экологик талабларнинг қонунчиликда тўлиқ ва аниқ ифодаланиши билан узвий боғлиқ. Афсуски, экологик талабларни ўз ичига олган қонун меъёрларининг аксарияти мукамал эмас, умумий хусусиятга эга, гарчанд юридик техника ва улар томонидан тартибга солинадиган ижтимоий муносабатларнинг аҳамияти нуқтаи назаридан уларни қонунларда белгилаб қўйиш мақсадга мувофиқ бўлса-да, кўпинча норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ўзига хос экологик ва ҳуқуқий талабларни қамраб олмайди.

Бизнинг фикримизча, барқарор ривожланиш концепцияси доирасида шаҳарлар ҳудудини ривожлантиришни ва қуришни режалаштиришда қўлланилиши керак бўлган аниқ экологик ва ҳуқуқий чоралар комплекс тизимини яратиш лозим. Хусусан, шаҳарларни ривожлантириш ва қуришни режалаштиришда бир қатор омилларни ҳисобга олиш керак: атроф-муҳитнинг ҳолати (физикавий, кимёвий, биологик кўрсаткичлар бўйича ва табиий муҳит таркибий қисмлари бўйича атроф-муҳитга бўлган босим; атроф-муҳитда тўпланган зарар ва бошқа омиллар); шаҳар аҳолисининг саломатлик ҳолати (меҳнатга лаёқатли ва лаёқатсиз; ёш гуруҳлари бўйича аҳоли) ва унинг (аҳоли) маълумот даражаси; шаҳарлар тури ва аҳоли сони; шаҳарнинг ихтисослашуви (иқтисодиёт, фан, техниканинг устувор тармоқлари ёки бу ўз ҳудудида ноёб тарихий, маданий ва ҳ.к. ёдгорликларга эгаллиги); табиий ва географик омиллар (атроф-муҳит ҳарорати, сув объектларининг мавжудлиги, қуёшли ёки ёмғирли кунлар сони, энг кўп учрайдиган табиий ҳодисалар, шу жумладан прогноз қилинадиган, ҳудуднинг сейсмик фаоллиги, сув тошқини зоналари ва бошқалар); шаҳарсозлик омиллари (мавжуд қурилишнинг табиати, шаҳарда устувор бўлган капитал қурилиш лойиҳаларининг хусусиятлари, жамоат жойлари, кўча ва йўл тармоқлари тизимини ривожлантириш ва бошқалар).

Ушбу ёндашув БМТнинг Шаҳарларни ривожлантириш бўйича янги дастурини (Хабитат III) амалга ошириш режасига тўла мос келади.

Аҳоли пунктларининг муҳим турларидан бири бу қишлоқ аҳоли пунктларидир. Юқорида айтиб ўтилганидек, Ўзбекистон Республикасида аҳоли пунктлари шаҳар ва қишлоққа бўлинади. Белгиланган мезонларга жавоб берадиган аҳоли пунктлари **қишлоқ аҳоли пунктлари** деб тан олинади. Қишлоқ аҳоли пунктларининг асосий хусусияти қишлоқ хўжалигини ишлаб чиқаришда меҳнатга лаёқатли аҳолининг катта қисми қатнашишидир. Қишлоқлар – шаҳар ҳудудига кирмайдиган, маълум аҳоли сонига эга бўлган, қишлоқ марказлари ва маълум саноат объектлари атрофида истиқомат қилувчи аҳолининг яшаш жойларидир. Аҳоли сонига қараб, қишлоқ аҳоли пунктлари қуйидагиларга бўлинади: йирик аҳоли пункти – аҳолисининг сони 5 мингдан ортиқ кишидан иборат бўлган; катта аҳоли пункти – аҳолисининг сони 3 мингдан 5 минггача кишидан иборат бўлган; ўртача аҳоли пункти – аҳолисининг сони 1 мингдан 3 минггача кишидан иборат бўлган; кичик аҳоли пункти – аҳолисининг сони 1 минггача кишидан иборат.

Шу ўринда шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктлари ўртасида ердан фойдаланиш бўйича ҳам фарқ мавжудлигига эътибор қаратиш лозим. Агар шаҳар аҳоли пунктларида асосий мақсад ерлардан турар-жой, жамоат-бизнес объектларини ва бошқаларни жойлаштириш учун фойдаланиш бўлса, қишлоқ жойларида эса қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан оқилона фойдаланиш асосий мақсад ҳисобланади.

Шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктларини ажратиб турувчи санаб ўтилган хусусиятлар билан бир қаторда аҳоли пунктларини қишлоқ деб таснифлашнинг қўшимча мезонлари қаторида муҳандислик ва транспорт инфратузилмаларининг, ҳудуднинг ободонлаштирилиши ва аҳолига маданий ва маиший хизмат кўрсатилишининг ривожланиш даражасини кўрсатиб ўтиш керак.

Қишлоқ аҳоли пунктларида ишлаб чиқариш тармоқлари тобора хавфли ифлослантирувчи манбаларга айланмоқда. Қишлоқ хўжалиги атроф-муҳитни ифлослантирувчи асосий омиллардан бири сифатида тан олинган. Жаҳон амалиёти шуни кўрсатадики, ушбу ишлаб чиқариш соҳаси атроф-муҳитга таъсирини биринчи навбатда кимёвий воситалардан фойдаланиш ва йирик чорвачилик мажмуаларини қуриш ва сўнгги йилларда генетик модификацияланган маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳисобига оширмоқда.[35, 100-б.]

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришидаги барча мазкур салбий ҳолатлар шу даражада муҳимки, қишлоқ хўжалигидаги атроф-муҳитни муҳофаза қилишни яхшилаш учун кенг қамровли чора-тадбирлар тизимини, шу жумладан ҳуқуқий чораларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишни талаб қилади.

Қишлоқ хўжалигида атроф-муҳитни ҳуқуқий муҳофаза қилиш деганда, қонунда белгиланган инсон ҳаёти ва фаолияти, атроф-муҳит шароитларини сақлаш ва яхшилашга қаратилган, табиий қўриқланадиган фонд объектларини сақлашга ва қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш жараёнида табиий ресурслардан оқилона фойдаланишга қаратилган давлат ва жамоат тадбирлари тушунилади.

Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни жадаллаштиришнинг етакчи омилларидан бири бу агрокимёлаштиришдир. Минерал ўғитлар, пестицидлардан кенг



фойдаланиш қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришда атроф-муҳитнинг ифлосланишига олиб келади.

Шу сабабли, иқтисодиёт ривожланишининг оқибатларидан бири ҳаво, сув, тупроқни ифлослантирувчи заҳарли чиқиндиларнинг улкан миқёсда ишлаб чиқарилиши ҳисобланади. Атроф-муҳитнинг кимёвий ифлосланиши, шу жумладан қишлоқ аҳоли пунктлари ифлосланиши муаммоси глобал аҳамиятга эга.[36]

Ушбу ҳолат қишлоқ аҳоли пунктларида заҳарли чиқиндиларга бўлган муносабатни тартибга солиш бўйича комплекс ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирларни амалга оширишни тақозо этади. Тарихан, заҳарли моддаларни экологик жиҳатдан оқилона бошқаришни ҳуқуқий тартибга солиш, сув, тупроқ ва атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш соҳасида саноат қонунчилиги доирасида ишлаб чиқилган.[37, 23-6.] Шу муносабат билан, атроф-муҳитни заҳарли моддалар билан ифлосланишидан ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини ҳуқуқий тартибга солиш мавзуси жамият ва табиат ўртасидаги ўзаро таъсирланиш жараёнида заҳарли моддаларга экологик жиҳатдан оқилона муносабатда бўлишга оид ижтимоий муносабатларининг йиғиндиси ҳисобланади.

**Хулосалар.** Мазкур ишлий ишланма доирасида муаллиф томонидан қуйидаги асосий хулосаларга келинди:

1. Шаҳарлар бизни ўраб турган мураккаб ижтимоий воқеилик бўлиб, у нафақат аҳолининг яшаш жойи, балки ижтимоий-маданий, маиший, ишлаб чиқариш ва ҳоказоларга мўлжалланган, турли соҳаларда аҳоли манфаатларига хизмат қиладиган, табиий муҳитнинг таркибий қисмлари билан ўзаро муносабатда мавжуд бўлган инсон томонидан яратилган объектларнинг бирлашган маконини ифодалайди.

2. Амалдаги ер ва шаҳарсозлик қонунчилигида шаҳар аҳоли пунктларининг тўлақонли таснифи берилмаган. Шаҳар аҳоли пунктларини фақатгина аҳоли сонига эмас, балки саноат, транспорт, маданий, тарихий, илмий, маъмурий ихтисослашув ва бошқа муҳим мезонларни ҳам инобатга олувчи таснифлаш лозим.

3. Шаҳар муҳитининг долзарб муаммоларидан бири – бу шовқин таъсиридир. Шаҳарлардаги шовқин таъсири объектларга (табиий, табиий-антропоген, аҳоли) комплекс таъсир қилиш хусусиятига ҳам эга, чунки илмий-техник тараққиётнинг аксарият ютуқлари бундай таъсирнинг манбалари (автомобил, темир йўл, ҳаво транспорти, хўжалик, одамларнинг қурилиш ва ишлаб чиқариш фаолияти ва бошқалар) бўлиб ҳисобланади. Шовқин таъсирини аниқлаш давлатнинг экологик ва урбанизация бўйича сиёсатини амалга ошириш доирасидаги устувор йўналишларидан бири бўлиб, шаҳарларнинг “акустик” барқарорлигини таъминлаш учун бир қатор техник (технологик), шаҳарсозлик ва санитария-эпидемиологик чоралар кўрилади.

4. Атроф-муҳит ҳолати ва шаҳарлар аҳолиси саломатлиги ўртасидаги яққол боғлиқликни кузатиш мумкин. Шаҳарларда табиий объектлар ва ресурсларни ҳимоя қилишга қаратилган чора-тадбирларни кўриш зарур, чунки айнан уларнинг барқарор ҳолати, бошқа омиллар (турмуш тарзи, ижтимоий омиллар ва бошқалар) билан бир қаторда инсон саломатлигига таъсир этувчи ҳал қилувчи омил ҳисобланади.

5. Шаҳарлар учун долзарб муаммоларни ҳал қилиш шаҳарлар “ифлосланиши” даражасига асосланган ижтимоий муносабатларга таъсир қилишнинг замонавий усуллари ҳисобга олган ҳолда ҳал қилиниши керак. Шу маънода ҳар йили Экология ва

атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан жамоатчилик вакиллари кенг жалб қилган ҳолда шаҳарларнинг “экологик рейтинги”ни юритиш тартибини жорий этиш мақсадга мувофиқ.

6. Шаҳарларнинг ҳал қилиниши керак бўлган асосий экологик муаммолари сифатида атмосфера ҳавоси, сув, тупроқ ифлосланиши, шовқин таъсири, шаҳарлар ва уларга туташ ҳудудлар “яшил” майдони ўлчамининг камайиши; шаҳарлар экологик ривожланиши бўйича ягона давлат сиёсатининг йўқлиги; мегаполисларни яратиш орқали шаҳарларни катталаштиришга интилишнинг атроф-муҳитга жиддий босим кўрсатиши; шаҳарларнинг экологик сифатини таъминлаш учун давлат бошқаруви асосий функцияларининг номувофиқлиги (мослашмаганлиги); ҳудудий режалаштириш ва шаҳарсозлик зоналаштирилиши каби бошқарув фаолиятини экологиялаштирилиш зарурати кабиларни кўрсатиш мумкин.

7. “Аҳоли пунктини барқарор ривожлантириш” мувозанатли, доимий қўллаб-қувватладиган, ўзини ўзи таъминлайдиган, мақбул, шунингдек, келажак авлодларнинг ўз эҳтиёжларини қондириш имкониятларини хавф остига қўймаган ҳолда ҳозирги пайтдаги эҳтиёжларни қондирадиган ривожланишни англатади.

8. “Экологик асосланган фаолият” экологик жиҳатдан йўналтирилган, экологик нуқтаи назардан оқланган ёки экологик талабларга мос келадиган фаолиятни, шунингдек шаҳарлар ҳудудини ривожлантириш ва қуришни режалаштираётганда ёки ушбу фаолият натижасида табиий атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ёки атроф-муҳитга етказилган зарарни қоплашда муайян чора тадбирлар мажмуасини назарда тутати.

Барқарор ривожланиш концепцияси доирасида шаҳарлар ҳудудини ривожлантиришни ва қуришни режалаштиришда қўлланилиши керак бўлган аниқ экологик ва ҳуқуқий чоралар комплекс тизимини яратиш лозим. Хусусан, шаҳарларни ривожлантириш ва қуришни режалаштиришда бир қатор омилларни ҳисобга олиш керак: атроф-муҳитнинг ҳолати (физикавий, кимёвий, биологик кўрсаткичлар бўйича ва табиий муҳит таркибий қисмлари бўйича атроф-муҳитга бўлган босим; атроф-муҳитда тўпланган зарар ва бошқа омиллар); шаҳар аҳолисининг саломатлик ҳолати (меҳнатга лаёқатли ва лаёқатсиз; ёш гуруҳлари бўйича аҳоли) ва унинг (аҳоли) маълумот даражаси; шаҳарлар тури ва аҳоли сони; шаҳарнинг ихтисослашуви (иқтисодиёт, фан, техниканинг устувор тармоқлари ёки бу ўз ҳудудида ноёб тарихий, маданий ва ҳ.к. ёдгорликларга эгаллиги); табиий ва географик омиллар (атроф-муҳит ҳарорати, сув объектларининг мавжудлиги, қуёшли ёки ёмғирли кунлар сони, энг кўп учрайдиган табиий ҳодисалар, шу жумладан прогноз қилинадиган, ҳудуднинг сейсмик фаоллиги, сув тошқини зоналари ва бошқалар); шаҳарсозлик омиллари (мавжуд қурилишнинг табиати, шаҳарда устувор бўлган капитал қурилиш лойиҳаларининг хусусиятлари, жамоат жойлари, кўча ва йўл тармоқлари тизимини ривожлантириш ва бошқалар).

### Адабиётлар/Литература/References:

1. <http://www.ox.ac.uk>; <https://www.cam.ac.uk>; <http://www.manchester.ac.uk>; <http://www.hu-berlin.de>; [www.hs-mittweida.de](http://www.hs-mittweida.de); <http://www.sorbonne-university.com>; <http://www.kyoto-u.ac.jp/en>; <https://www.useoul.edu>; <http://web.mit.edu>; <https://www.ecology.uga.edu>; <https://www.indiana.edu>; <http://www.sggw.pl>; <http://www.uu.se>; <https://www.uu.nl/en>;

- www.rug.nl; <http://www.wwfindia.org>; <http://www.mq.edu.au>; <https://www.era.int>; <https://www.ut.ee>; <https://www.k6k.ee>; <https://www.msu.ru>; [www.iseu.bsu.by](http://www.iseu.bsu.by).
2. Aleksandrova A.Yu. Pravovoe regulirovanie ispolzovaniya zemel poseleniy dlya zastroйки v Rossii: Avtoref. diss. kand. jurid. nauk. [Legal regulation of the use of lands of settlements for building in Russia: Author's abstract. diss. ... Cand. jurid. sciences] Moscow, 2008. 28 p.
  3. Usmonov M.B. Yer huquqi. Darslik. [Land law. Textbook.] Tashkent, HTI, 2019, 348 p.
  4. Bedova Ye.S. Pravovoy rejim zemel naselenix punktov Avtoref. diss. kand. jurid. nauk. [Legal regime of lands of settlements: Author's abstract. diss. ... Cand. jurid. sciences.] Moscow, 2012. 28 p.
  5. Bedova Ye.S. Planirovanie ispolzovaniya zemel naselennix punktov: ekologicheskii aspekt [Land use planning in settlements: environmental aspect] Materiali kruglogo stola [Legal support of the unified state environmental policy of the Russian Federation] Moscow, 2011, pp. 210-212. (In Russ.)
  6. Lisina N.L. Pravovoy rejim zemel poseleniy: Avtoref. diss. ... kand. jurid. nauk. [Legal regime of settlement lands: Author's abstract. diss. ... Cand. jurid. sciences] Moscow, 2003. 28 p.
  7. Ekologiya huquqi. Darslik. Mas'ul muharrir: prof. J.T.Xolmo'minov. [Environmental law. Textbook. Responsible editor: prof. J.T.Xolmo'minov] Tashkent, TDYU, 2019, 285p.
  8. Voronin A.O. Predostavlenie zemel naselennix punktov dlya stroitelstva khozyaystvennykh i inyykh ob'ektov. Avtoref. diss. ... kand. jurid. nauk. [Provision of lands of settlements for the construction of economic and other facilities: Author's abstract. diss. ... Cand. jurid. sciences.] Tver, 2009. 30 p.
  9. Jerebnenko Yu.S. Sotsialno-ekologicheskie problemy upravleniya territorialnym razvitiem selskix poseleniy [Socio-ecological problems of managing the territorial development of rural settlements] Geologiya, geografiya i globalnaya energiya – Geology, geography and global energy, Belgorod, 2012, no.2, pp. 248-249.
  10. Lisina N.L. Sovremennoe sostoyanie i problemi okrujayushey sredi v gorodax [Lisina N.L. Current state and environmental problems in cities] Vestnik Kemerovskogo gosudarstvennogo universiteta – Bulletin of the Kemerovo State University. Kemerova, 2015, no.4-2, 242 p.
  11. Usmonov M.B. Yer huquqi. Darslik. [Land law. Textbook.] Tashkent, HTI, 2019, 348 p.
  12. Yer huquqi. Darslik. [Land law. Textbook] Tashkent, TDYU, 2019, 160 p.
  13. Choltyan L.N. Voprosi klassifikatsii i pravovoy ohrani gorodskix naselyonnix punktov [Issues of classification and legal protection of urban settlements] Pravo i gosudarstvo: teoriya i praktika. – Law and state: theory and practice. Moscow, 2007, no.9, pp. 113-116.
  14. Choltyan L.N. Pravovoe obespechenie ohrani okrujayushey sredi v gorodskix naselennix punktax. Avtoref. diss. ... kand. jurid. nauk. [Legal support of environmental protection in urban areas: Author's abstract. diss. ... Cand. jurid. sciences.] Moscow, 2009. pp. 10-11.
  15. Tabolin V.V. Samoupravlenie v krupnykh gorodax. [Self-government in large cities] Moscow, Akademiya upravleniya MVD Rossii, 1999. pp. 9-10.
  16. Zulfugarzade T.E. Zemelnoe pravo: Uchebnoe posobie. [Land Law: Study Guide.] Moscow, REU im. G.V. Plexanova, 2011, 78 p.; Anisimov A.P., Rijkenov A.Ya., Charkin S.A., Selivanova K.A. Zemelnoe pravo Rossii. Uchebnik. [Land law of Russia. Textbook] Moscow, Yurayt, 2019, 201 p.
  17. Yerofeev B.V. Pravovoy rejim zemel gorodov [Legal regime of land of cities] Moscow, 1996, 12 p.
  18. Javoronkova N.G. Pravovie osnovi biznesa v sfere prirodopolzovaniya. Uchebnoe posobie. [Legal foundations of business in the field of environmental management. Tutorial] Moscow, Prospect, 2017, 54 p.
  19. Choltyan L.N. Voprosi klassifikatsii i pravovoy ohrani gorodskix naselyonnix punktov [Issues of classification and legal protection of urban settlements] Pravo i gosudarstvo: teoriya i praktika – Law and state: theory and practice, 2007, no.9, pp. 113-116.

20. Baydjanov I.S. Aholi punktlari va jamoat markazlarini me'moriy rejalashtirish. O'quv qo'llanma [Architectural planning of settlements and community centers. Study guide] Tashkent, 2019, pp. 3-4.
21. Persik Ye.N. Goroda mira. Geografiya mirovoy urbanizatsii [Cities of the world. The geography of world urbanization] Moscow, Mejdunarodnie otnosheniya, 1999, 23 p.
22. Population of the earth. Available at: [www.countrysmeters.info](http://www.countrysmeters.info)
23. State of world's cities 2012/2013. Prosperity of Cities. United Nations Human Settlements Programme, 2012.
24. Vipxanova G.V. Landshaftnoe razvitie gorodskix i drugix territoriy: informatsionno-pravovie problemi [Landscape development of urban and other territories: information and legal problems]. Agrarnoe i zemelnoe pravo – Agrarian and Land Law Agrarian and Land Law, Moscow, 2008, no. 6, 105 p.
25. Yevdokimova T.V. Pravovaya oxrana esteticheskix svoystv landshaftov. [Legal protection of the aesthetic properties of landscapes] Moscow, Yurlitinform, 2012, 104 p.
26. Moskova D.B. Lebedeva A.P. Chursina Ye.A. Problemi shumovogo zagryazneniya okrujayushey sredi. [Problems of noise pollution of the environment]. Sovremennye problemi geografii: mezhvuzovskiy sbornik nauchnix trudov. [Modern problems of geography: interuniversity collection of scientific papers]. Astraxan, 2019, pp. 153-154. (In Russ.)
27. Beleskaya R.I. Pravovaya oxrana vodnix obektov po novomu Vodnomu kodeksu RF [Legal protection of water bodies according to the new Water Code of the Russian Federation]. Agrarnoe i zemelnoe pravo – Agrarian and Land Law, 2007, no.1, 114 p.
28. Choltyan L.N. Osobennosti i printsiipi pravovoy oxrani okrujayushey sredi v gorodskix naselyonnykh punktakh [Features and principles of legal environmental protection in urban settlements]. Agrarnoe i zemelnoe pravo – Agrarian and Land Law, 2008, no.10, pp. 111-112.
29. Petrov V.V. Konsepsiya vzaimodeystviya obshchestva i prirody – nauchnaya osnova ekologicheskogo prava [The concept of interaction between society and nature - the scientific basis of environmental law]. Metodologicheskie problemi pravovedeniya [Methodological problems of jurisprudence]. Moscow, Publishing house of Moscow University, 1994, p 133.
30. Lisina N.L. Istoriya razvitiya rossiyskogo zakonodatelstva po oxrane okrujayushey sredi v gorodax [The history of the development of Russian legislation on environmental protection in cities]. Vestnik Udmurtskogo universiteta. – Bulletin of the Udmurt University, 2017, no. 27. pp.128-129.
31. Lisina N.L. Sovremennoe sostoyanie i problemy okrujayushey sredi v gorodax [Current state and environmental problems in cities]. Vestnik Kemerovskogo gosudarstvennogo universiteta – Bulletin of the Kemerovo State University. Kemerova, 2015, no. 4-2, pp. 242-243.
32. Vancouver Declaration on Settlements. Adopted by the United Nations Conference on Settlements. Vancouver, Canada, 1976 May 31 – June 11. Available at: [www.un.org/ru/documents/decl\\_conv/decl\\_habitat.shtml](http://www.un.org/ru/documents/decl_conv/decl_habitat.shtml)
33. New Urban Development Program (Kyoto Declaration on Sustainable Cities and Human Settlements for All). Adopted at the UN Conference on Housing and Sustainable Urban Development Habitat III (17-20 October 2016, Kyoto, Ecuador) Available at: [www.habitat3.org](http://www.habitat3.org)
34. Brinchuk M.M. Zakoni prirody i obshchestva [The laws of nature and society]. Moscow, 2015, 13 p.; Teoriya gosudarstva i prava. Uchebnik. [Theory of state and law. Textbook]. Moscow, 2007, 198 p.; Brinchuk M.M. Pravovoy mexanizm podgotovki i prinyatiya ekologicheskikh znachimykh resheniy [Legal mechanism for the preparation and adoption of environmentally significant decisions]. Gosudarstvo i pravo – State and Law, 2000, no. 9, pp. 49-50.

35. Kozyr O.M. Pravovaya oxrana okrujayushey sredi v selskom xozyaystve [Legal protection of the environment in agriculture]. Agrarnoe i zemelnoe pravo – Agrarian and Land Law, 2006, no. 10, 100 p.
36. Demidovich V.D. O pravovom obespechenii oxrani okrujayushey sredi v selskom xozyaystve Respubliki Belarus [On the legal support of environmental protection in agriculture of the Republic of Belarus]. Electronic library of BSEU. Available at: [www.edoc.bseu.by](http://www.edoc.bseu.by)
37. Ilyasova M.T., Akimjanova T. Pravovie voprosi oxrani okrujayushey prirodnoy sredi ot zagryazneniya toksichnimi veshchestvami [Legal issues of environmental protection from pollution by toxic substances]. Vestnik KazNU. – Bulletin of KazNU, 2008, no. 8, 23 p.
38. . Biological resources – COVID-19. Legal support of biological resources for scientific purposes and biological safety. European Journal of Molecular & Clinical Medicine, 2020, Volume 7, Issue 2, pp. 714-724. Available at: <https://ejmcm.com/article/2125.html>
39. N.Skripnikov, R.Kenjaev. Sovershenstvovanie agrarnogo zakonodatelstva v usloviyax izmenyayushegosya klimata: na primere Uzbekistana [Improvement of agrarian legislation in a changing climate: on the example of Uzbekistan]. Vestnik yuridicheskix nauk – Bulletin of legal sciences, 2018, no. 4, pp. 58-61. Available at: <https://cyberleninka.ru/article/n/sovershenstvovanie-agrarnogo-zakonodatelstva-v-usloviyah-izmenyayushegosya-klimata-na-primere-uzbekistana>
40. N.Skripnikov, M.Mirzaabdullaeva. Pravovoe obespechenie nauchnix issledovaniy v agrarnom sektore. [Legal support of scientific research in the agricultural sector] Vestnik yuridicheskix nauk – Bulletin of legal sciences, 2018, no. 2, pp. 67-72. Available at: <https://cyberleninka.ru/article/n/pravovoe-obespechenie-nauchnyh-issledovaniy-v-agrarnom-sektore>

**SCIENCEPROBLEMS.UZ**

**ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ  
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

*№ 8 (4) – 2024*

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-  
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

**ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES**

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг  
долзарб муаммолари**” электрон  
журнали 2020 йил 6 август куни 1368-  
сонли гувоҳнома билан давлат  
рўйхатига олинган.

**Муассис:** “SCIENCEPROBLEMS TEAM”  
масъулияти чекланган жамияти

**Таҳририят манзили:**

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой  
тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-  
уй. Электрон манзил:

[scienceproblems.uz@gmail.com](mailto:scienceproblems.uz@gmail.com)

**Боғланиш учун телефонлар:**

(99) 602-09-84 (telegram).